Ф. Б. ТашГУ библиотека зали

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 12 (3494). | Сешанба, 17 январь 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЁҚИЛҒИ ТЕЖАЛМОҚДА

Бундан бир неча йил муқаддам тепловоз депоси машинистларининг кўпчилиги ёнилғини нормадан ортиқча сарфлаб юборишарди. Бу депо маъмуриятини ташвишга солиб қўйди. Чунки ёнилғининг ортиқча сарфланиши юк ташиш харажатларининг ортишига сабаб бўларди. Бунинг олдини олиш лозим эди.

Шу мақсадда алоҳида мактаб ташкил этилди. Бу мактабда ёнилғини тежашга эришаётган машинистларнинг тепловозни бошқариш тажрибаси ҳартомонлама ўрганилди. Тажрибали машинистлар орқада қолаётган ҳамкасбларига оталик қила бошлашди. А. Маракаев, Э. Муллабоев, В. Дубякин ва бошқа «пўлат от» чавандозлари бир неча ҳамкасбларини ўзларининг иш усулларига ўргатишди. Бундай ўзаро тажриба алмашишлар яхши натижа берди. Ёнилғини ортиқча сарфловчи тепловозчилар кескин камая борди.

Шунинг учун ҳам беш йилликнинг биринчи йилида 100 тоннадан ошиқроғ ёнилғи иқтисод қилиб қолинди. Ана шу тежалган ёнилғи эвазига 1200 дан ортиқ состав бошқарилди.

Коллектив эришган бундай ютуққа жуда кўп меҳнатсеварлар салмоқли ҳисса қўшишди. Айниқса, тажрибали машинистлар тежамкорликда бошқаларга ўрнак бўлдилар. Хўжаев ўн тоннадан ортиқроқ, Уланов 15 минг килограммдан кўпроқ, Миронов 12,5 тоннага яқин, Дубякин 8 минг килограмм ёнилғи иқтисод қилдилар. Бундай тежамкор машинистлар депомизда ўнлаб топилади.

Коллективимиз беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам ёнилғини кўплаб тежашга ахд қилди. Тежамли ишлаш барча машинистлар фаолиятининг шиори бўлиб қолди. Бу албатта яхши самаралар беради.

А. УСМОНОВ,
Тошкент тепловоз депосининг машинисти.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ПЎЛАТ

БЕКОБОД. (ЎзТАГ). В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат эритувчилари юбилей меҳнат вахтасида туриб, пландан ташқари пўлатнинг дастлабки тонналарини эритиб бердилар. Ҳозир ўнта эритмадан саккизтаси жадал усулда эритилмоқда. Пўлат эритувчилар Совет давлатининг эллик йиллиги муносабати билан пландан ташқари бир неча минг тонна металл, прокатчилар эса бир неча минг тонна маҳсулот бериш мажбуриятини олдилар.

КАТТА ТОРТИҚ

Эл дастурхонини ноз-неъматлар билан бойитиш, коммунистик мўл-кўлчилик яратишдек улуғвор ишга муносиб ҳисса қўшиш учун кўплар қатори астойдил меҳнат қилаётган Оржоникидзе районидаги машҳур «Қизил Ўзбекистон» колхозининг азамат чорвадорлари юбилей йилининг дастлабки икки ҳафтасидаёқ катта галабани қўлга киритдилар. Кеча Дўрмон қишлоғидан Тошкент гўшт комбинатига катта карвон жўнатилди. Бўрдоқига боқиб роса семиртирилган қора моллар ортилган бу карвон комбинатга 800 центнер гўшт топшириб қайтди. Бу — дўрмонликларнинг Улуғ Октябрь 50 йиллиги тўйига дастлабки тўёналаридир.

— Шундай қилиб, биз ҳозирнинг ўзидаёқ шу йилнинг биринчи, иккинчи ва учинчи кварталларига берилган гўшт сотиш планларини бажариб қўйдик, — дейди колхоз қорамолчилик фермасининг мудири Саримсоқ Рустамов. — Бу жўнатган молларимизни октябрь ойининг бошларида бўрдоқига боқилаётган эдик. Ўшанда ҳар бир молнинг тирик вазни ўрта ҳисобда 250 килограммдан эди. Уч ой мобайнида уларнинг вазни 340—350 килограммга етди.

Колхозда моллари бўрдоқига боқиш ишлари намунали ташкил этилган. Қишлов учун 10 минг тонна силос бостирилган, 4600 тонна дағал хашак жамғарилган ва бошқа ем-хашаклар тайёрланган эди. Чорвадорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилди.

Гўшт сотиш йиллик плани ва социалистик мажбуриятни ҳам тезроқ бажариш мақсадида ҳозир яна 120 бош қорамол бўрдоқига боқилаяпти. Колхоз чорвадорлари давлатга бошқа маҳсулотлар сотишни ҳам жадал олиб бормоқдалар.



БЕШИЙЛЛИК ВАХТАСИ ФОТОЛАВҲАЛАРДА

БЕПОЕН Ватанимиз халқлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига ҳартомонлама ғужта ҳозирлик кўрмоқдалар. Улар улуғ айёмни муносиб тўёналар билан кутиб олиш учун ғайрат қилмоқдалар. Умумхалқ мусобақасига қўшилган областимиз меҳнаткашлари ҳам юбилей йилида чинакам шижоат кўрсатиб ишламоқдалар.

1 Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи коллективи шу кунларда юбилей меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. Заводда ишлаб чиқариш илғорлари жуда кўп. Тепловоз дизелларини йиғувчи слесарлар (чапда) Рихсихўжа Ашрапов ва Николай Скоромний ана шундай илғорлардан ҳисобланишади. Улар кунлик нормаларини мунтазам ошиғи билан адо этиб келмоқдалар.

Б. Сироткин фотоси.

2 Янги Тошкентни бунёд этишга келган белоруссиялик қурувчилар юбилей шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, қурилиш суръатини тобора оширмоқдалар. Суратдаги бу қизлар (юқорида чапдан) — М. Карчевская, М. Шахнович, Н. Шинкевич, В. Люцко ва З. Дубровскаялар шу кунларда зўр ғайрат кўрсатиб ишлашяпти.

И. Глауберзон фотолари.

3 Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози деҳқонлари кўкламга қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Мавжуд барча экиш техникаси мавсумга тўла шайлаб қўйилди. Суратда: (юқорида ўнгда) звено бошлиғи Анвар Ашимов ўз тракторини ремонт қилмоқда.

4 Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз чорвадорлари ўтган йили сут етиштиришда яхши кўрсаткичларга эришдилар. Бу ютуқнинг қўлга киритилишида пландаги 44 тонна ўрнига 49 тонна сут соғиб олган илғор сут соғувчи Ҳожар Азимованинг ҳам (ўнгда) катта ҳиссаси бор. Юбилей йилида бу илғор сут соғувчи янада юксак кўрсаткичларга эришиш учун курашмоқда.

Қ. Розиқов фотоси, ЎзТАГ фотохроникаси.

5 Тошкент Черемушкаси — Чилонзор катта интернационал қурилиш майдонига айланиб қолди. Мамлакатимиздаги турли халқларнинг вакиллари бу районда янгидан-янги кўркам турар жой бинолари бунёд этмоқдалар. Суратда: (пастда) Чилонзордаги қурилиш участкаларидан бирининг кўриниши.

А. Абалян фотолари.



УСТА АСҚАР

УНИНГ бошига оғир ташвиш тушганди. Мактабни энди тамомлай деб турганда онаси вафот этди. Орадан икки-уч ой ўтмай отаси фронтга кетди. Шўрлик бола не қиларини билмай улар орқасида қараб қолаверди. Атрофда яхши одамлар бор экан, пул йўрғи кўрсатишди. Тезда ҳунар мактабига жойланиб олди. Кейин 1-босмахонага ишга кириб ўз ноғинин ўзи топиб ея бошлади.

Шу бўйи унинг меҳнат биографияси бошланиб кетди. Ўқишдан ажрамаган ҳолда кечки ўрта мактабни битириб олди. Механикага ўқиб малакасини оширди. Мана ҳозир у Тошкент пойпоқ-трикотаж бирлашмасида ремонтчи бўлиб ишлаяпти. Бузилган тикув машиналарини яна сафга тортгизади. Агрегатларнинг вақт-бемаҳал тухтаб қолишига йўл қўймайди.

Ун йилдирки, Асқар Шообидовни бирлашмадагилар «уста» деб чақиришади. Унинг сменасида бирорта машина ҳам бўш турмайди. Ишёл узилиш бўлса Асқар шу ерда ҳозиру нозир. Тикув машинасини ўша дамнинг ўзидаёқ созлаб ишга солмагунча кўнгли жойига тушмайди. Уста фақатгина оддий ремонтчи эмас. У корхонанинг илғор рационализаторларидан ҳам ҳисобланади. Ўтган йиллар ичида Асқар ишлаб чиқаришга озмунча янгилик киритгани йўқ. Бултур ҳам тўртта таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу корхонага катта самара берди.

Ҳозир ҳам у ижодий изланишда. Чок тикадиган машинанинг қисмларини модернизация қиляпти. Мақсадига эришса, қўйлакларнинг чоки пухта бўлиши билан бирга дагаллиги ҳам кўпайади. Бу билан маҳсулот сифати тағин ҳам яхшиланади.

А. ЗОКИРОВ.

МЕҲНАТИМИЗ МЕВАСИ — ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Улкан беш йилликнинг дастлабки йилига якун ясадик. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси хўжалигимизни мустаҳкамлаш, унинг шон-шуҳратини оширишдек масъулиятли ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди. Деҳқонлар, соҳибкорлар, чорвадорлар аҳил бўлиб ишлаб, кўрсаткичларни кўпайтиришга эришдилар. Хўжалик фойда берадиган бўлиб қолди.

Кекса ишчи Ҳайитбой ота Тоғаев анча йиллардан бери ғайрат кўрсатиб ишлаб келади. Бутун куч ва тажрибасини ишга солиб боғлардан мўл ҳосил етиштиришга ҳаракат қилади. У пландан ташқари қанчадан-қанча қўшимча ўзум етказиб берди. Отанинг бу хизматлари ўз вақтида партия ва ҳукуматимиз томонидан тақдирланди. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Отанинг умр йўлдоши З. Тоғаева ҳам ҳамма вақт халол меҳнат қилади. Қўпчиликдан орқада қолмайди. Нормасини ошириб бажаради. Унинг бу ҳаракати ишларни баракали меҳнат қилишга руҳлантирмоқда. Эндиликда унинг кўксида ҳам Ленин ордени порлаб турибди.

Хўжалигимизда қаҳрамонона меҳнат қилиб аҳдининг устидан чиқаётган. СССР орден ҳамда медалларини олишга сазовор бўлаётган бахтиёр кишилар анчаги на. Карима Қодирова, Халил Норматов Тоғай Раҳимбоев, Тамара Павлова, Нина Иванова каби пешқадамлар шулар жумласидандир. Бундай азаматлар сафи йил сайин кўпаймоқда. Улар қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни муттасил кўпайтиришмоқда. Социалистик мусобақани кенг ва ҳартарафлама қулоч ёйдиришда ташаббус кўрсатишаётир.

Ўтган йил қишлоқ хўжалиги учун об-ҳаво қоқуғ келди. Табиат инжиқликлари деҳқонлар режасини рўёбга чиқаришда анча қийинчиликларни туғдирди. Шунга қарамай, биз бир ерда тухтаб қолмадик. Ишчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамладик, иш унумини оширдик. Оқибатда аввалги йилларга нисбатан қишлоқ хўжалик экинларидан, айниқса сабзавотдан мўл ҳосил етиштиришни таъминлашга муваффақ бўлдик. Коллективимизнинг куч ва ғайрати билан мавсумда салкам 1 минг тоннага яқин сабзавот экинлари маҳсулоти тайёрланиб, бу соҳадаги топшириқ ортиғи билан бажарилди. Соҳибкорларимиз ҳам ёмон ишлашмади. 200 ўрнига 280 тонна узум топшириб, планни 140 процент адо этилди. Маълумки, кўп жойда помидор яхши ривожланмади, касалланди. Биз бунга қарши қаттиқ кураш олиб бордик. Ҳар бир ниҳолни қалбимиз ҳарорати билан парваришлаб, баракали ҳосилдорлик кўтардик. План бажарилишига қолмай мажбурият ҳам ортиғи билан бажарилди. Икки юз тонна ўрнига салкам 400 тонна помидори шаҳарликларга сотилди.

Хўжалигимизнинг бошқа соҳаларида эришган ютуқларимиз ҳам чакки бўлмади. Чорвадорларимиз меҳнат камарини маҳкам боғлаган ҳолда ишлашди. Шу сабабли чорва моллар туёғи кўпайди. Маҳсулдорлиги ошди. Йирик шохли моллар 760 бошдан 817 бошга етди. Бир йилда молларимиз 103 бошга кўпайди. Сут булоғини мўл-кўл қилишда ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Биз 60 тонна сут топшириш юзасидан мажбурият олгандик. Моллар қарови яхшиланди. Ойлик, квартал сут топшириш юзасидан туғаи режаларимиз тўхтовсиз амалга оширилаберди. Натижада бир йил ичида 684 тонна сут топшириб, мажбуриятимизни анча ошириб адо этдик. Ҳар бир соғин сигирдан ўртача 2520 литрга етказиб сут соғиб олинди. Раиса Никифорова, Мария Гомара, Таслима Мустафоева каби сергайрат сут соғувчиларимиз социалистик мажбуриятларини ошириб бажариб, 2 килограммдан комбикорм, 16 килограммдан силос, 5—6 килограммдан ловлаги берилиб турибди. Бунинг фойдаси яхши бўлмоқда. Ҳар бир мол кунига нормадаги 450 ўрнига 471 граммдан семираётир. Ваҳолангки, аввалари молларнинг бир кеча-кундузда семириши 430 граммга тўғри келган эди.

Бизда гўштга топширилади ган молнинг ўртача оғирлиги 250 килограммдан кам бўлмайди. Бу эса чорва моллар туёғини камайтирмайди. Акс ҳолда кўпайтиради.

Совхоз дирекцияси, партия ташкилоти ва ишчилар комитети меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан зарур бўлган барча чораларни кўришмоқда. Бизда қилинган ишларни якунлаб туриш, галдаги вазифаларни тезроқ бажаришга кўпчиликнинг эътиборини қаратиш одат тусига кириб бормоқда. Мусобақа якунлари тез-тез эълон қилинмоқда. Ким кўп ишласа унга кўп ҳақ берилаяпти. Бўрдоқичи чўпонларимиз, моҳир сут соғувчиларимизга ҳам қўшимча тоширган маҳсулот учун қўшимча ҳақ берилаяпти.

Бу йил Совет мамлакатининг 50 йиллик тўйини тантанали нишонлаймиз. Улуғ айёмни янги галабалар билан кутиб олишга ахд қилдик. Буни қуйидаги фактлардан ҳам кўриш мумкин. Экин майдонларининг ҳаммаси ўғитланиб, барвақт шудгор қилиб қўйилди. Соҳибкорларимиз мевали дарахт атрофларини юмшатиб, запас суви бериб қўйишди.

Биз партиямиз XXIII съезди қарорларини бундан кейин ҳам оғишмай амалга ошириб шаҳар меҳнаткашларини мўл-кўл сабзавот ва чорва маҳсулотлари билан таъминлашдек масъулиятли ишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

А. УРМОНОВ,
Оржоникидзе районидаги «Химик» совхозининг директори.

ЙИЛИМИЗ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

ЗАРБДОР БРИГАДА

Оҳангарондаги 9-шахта коллективи юбилей йилида ҳар қаҳонгидан ҳам баранали ишламоқда. Айниқса коммунистик меҳнат коллективи номини олган 1-участка шахтёрларининг ютуқлари мақтовга сазовордир. Улар участкалар ўртасидаги ўзаро мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Январь ойининг ўтган ўн куни ичида планга қўшимча 400 тонна кўмир қазиб чиқаришди.

Тажрибали кончи Абдураҳмон Маматов бригадаси юбилей вахтасида туриб, меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Шахтадаги тозалаш забойлари бригадалари ўртасида янги йилнинг дастлабки кунидан бошлаб биринчиликни қўлдан бой бермаяпти. Январь ойининг ўн куни ичида қўшимча 200 тоннадан ортиқ «қора олтин» қазиб чиқарди бригада навалоотбойчилари. Бригадир А. Маматов, кончилардан Х. Алимов, А. Ғаффоров, Ж. Ашуралиевлар фидокорона меҳнат қилишмоқда. Бу азаматларнинг ҳар бири сменада нормага қўшимча 2—3 тоннадан ёқилғи қазимоқдалар.

Участка коллективи шахтада биринчи бўлиб тежамкорлик учун курашга киришди. Шахтёрлар йил давомида ками билан юз кубометр мустаҳкамлаш материалларини тежаб қолиш, ҳар бир тонна кўмир таннархини беш процент камайтиришга қарор қилдилар. Йил давомида ҳаммаси бўлиб 7000 сўмлик материал тежаб қолинади.

Е. ГОДОВИКОВ.

„БИЛИМ" ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

16 январда Москвада бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесининг пленуми очилди. Пленум Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига ана шу жамият ташкилотлари тайёргарлик кўришга киришдилар.

КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири В. И. Степаков доклад қилди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМАНДИРЛАРИ

ЛАВҲА

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Мастер Жалил Одилбеков ишни тугаллаб энди уйига отланаётган эдики, партком секретари уни чақириб қолди.

Ёдо, хаёлидан ўтказди Жалил, яна ўша гап, яна участкамизнинг қолоқлиқдан чиқмаётганлигини айтиб, уялтирса керак-да.

Мастернинг бўлчалик безовта бўлаётганлиги бежиз эмасди. Кейинги пайтда у бошқараётган участкада контроль-ҳимоя панелларини ишлаш планлари бажарилмаяпти. Ваҳоланки, бу участка цех бўйича ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйишда салмоқли ўринни эгаллаши керак.

У айёмнибгина партком секретарининг хонасига кириб келди. Бу ерда секретарь билан бирга завод касаба союз комитети раиси М. Юрченко ҳам ўтирган эди. Улар мастер билан қўл бериб сўрашишгач, бироз у ёқ-бу ёқдан гаплашишди.

— Цехда ишлар қандай кетаяпти? — ниҳоят асосий мақсадга кўчди партком секретари.

Одилбеков уларга ўзи мастерлик қилаётган участка ишчиларининг мажбуриятлари, бу мажбуриятни бажариш йўлида кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапириб берди.

— Буларнинг ҳаммаси бизга маълум,— деб унинг гапини бўлди Ермоленко, — бизга участкангизнинг нима учун оқсаб қолганлиги сабабларини очиқроқ айтиб берсангиз. Ахир сизларда тўртта звено бор. Звеноларга обрўли, тажрибали кишилар раҳбарлик қилишяпти. Лекин уларда аҳвол бир хил эмас, натижалари турлича.

— Тўғри,— деди мастер, — ўзим ҳам ҳайронман.

— Менимча, сизларда ҳамма имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти,— деди партком. — Масалан социалистик мусобақани олиб кўрайлик. Бунга кўпинча расмиятчилик билан муносабатда бўласизлар.

— Ахир нима қилайлик,— деди мастер.—Звеноларнинг бирбири билан мусобақа ўйнаган, шартнома тузиб қўл қўйиб қўйишиби.

Гапга завод касаба союз комитети раиси аралашди.

— Қайси звеноларнинг ўзаро мусобақалашади?

— Қайси звено дейсизми?— қайтадан сўради Одилбеков.— Ўзингиз ҳам билсангиз керак. Евгений Зинин билан Иван Бахмат звеноси бирбири билан мусобақа ўйнаган.

— Собиров звеноси ким билан мусобақа ўйнаётган?—сўраб қолди шу пайт завод касаба союз комитетининг раиси.

Мастер билмадим, дегандек елкасини қисди. Сўнг қўшиб қўйди:

— Бу звено қолоқ бўлганлиги учун ҳеч ким у билан мусобақалашгиси келмайди.

— Ҳамма иллат ана шунда,—деди Юрченко,—агар бировга ҳадеб унинг камчиликларини теш қилаверсангиз, у кишида, менда ҳеч нарсага қобилият йўқ экан-да, деган нотўғри қайфият пайдо бўлади. Худди шунга ўхшаш бу цехни ҳам ҳадеб қолоқ деявериш ярамайди...

Энди Баҳодир Собиров звеносидаги ишчилар ҳақида ёнма-ён ўтирган ҳам бу звенода интизом пасайиб кетган эди. Баъзибир ишчилар ишга кеч келишар, баъзи кунлари бутунлай келмайдиганлар ҳам бор эди. Владимир Середенко, Сайфи Болтаев ўртоқлар ана шундай интизомсизлар қаторига кирарди. Улар ишга келишарди-ю, лекин жон-диллари билан меҳнат қилмас, бир амаллаб, кунни кеч қилишга ҳаракат қилишарди. Мастер Одилбеков қолоқликнинг ана бир сабабини аниқлади. Масалан, қисқични йиғиш жараёнини олиб кўрайлик. Бу иш учун беш-олти киши ажратиб қўйилган, ваҳоланки, бир ёки икки кишининг ўзи кифоя. Шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам ишчи кучларидан рационал фойдаланилмайди.

Мастер партком секретари ҳақида икки оғиз сўз. Ҳақиқатан ҳам бу звенода интизом пасайиб кетган эди. Баъзибир ишчилар ишга кеч келишар, баъзи кунлари бутунлай келмайдиганлар ҳам бор эди. Владимир Середенко, Сайфи Болтаев ўртоқлар ана шундай интизомсизлар қаторига кирарди. Улар ишга келишарди-ю, лекин жон-диллари билан меҳнат қилмас, бир амаллаб, кунни кеч қилишга ҳаракат қилишарди. Мастер Одилбеков қолоқликнинг ана бир сабабини аниқлади. Масалан, қисқични йиғиш жараёнини олиб кўрайлик. Бу иш учун беш-олти киши ажратиб қўйилган, ваҳоланки, бир ёки икки кишининг ўзи кифоя. Шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам ишчи кучларидан рационал фойдаланилмайди.

Мастер партком секретари Иван қулоғим, сенда, эшитаман, дегандек унга ўгирилди. Одилбеков аста гап бошлади:

— Баҳодирни мусобақага чақирмайсанми?

— Бу нима деганинг?—ҳайрон бўлиб сўради Бахмат,—ахир биз Зинин звеноси билан мусобақадошмиз-ку. Мусобақалашганингдан кейин ана шундай илғорлар билан бел олишгинда, Баҳодирнинг звеноси ҳаммадан қолоқ-ку!

— Бундай деб ўйлаш нотўғри,—деди мастер,— Собиров ҳам чакки йигитлардан эмас. У сен билан беллашишга қодир.

— Ҳазилингни қўйсанг-чи,— деди Бахмат,—биламиз унинг қандайлигини. Доим плани орқада.

— Сен ўзингга ортиқча баҳо бериб юборма, деди мастер,— аввал мусобақалашиб кўргинда, кейин гапиргин.

Бахмат бироз ўйланиб турганч, майли сен айтганча бўлсин, деб розилик билдирди.

Эртасига мастер Собиров билан ҳам гаплашиб ишни пишитиб қўйди. Ҳар икки звенонинг ўзаро мусобақа шартлари келишиб олинди. Ҳар икки звено бошлиғи ва ишчилар унга қўл қўйишди.

Бир ҳафта ўтди. Собиров звеносида иш анча жонланиб кетди. Ҳар бир киши ўз зиммасига юкак ва масъулиятли вазифа юклатилганлигини чуқур ҳис қилгани ҳолда меҳнат қила бошлади. Ишга кечикиб келувчилар, ёки бўлмаса вақтли кетиб қолувчилар ҳам йўқ эди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлади.

Звенода ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ҳам сезиларли даражада яхшиланди. Ҳақиқий социалистик мусобақа ҳар икки звенонинг ҳам умумий юксалишига ёрдам берди. Иш куни тугагач, кўринарли ерга мусобақа натижалари, кимларнинг қандай меҳнат қилаётганлиги ҳақида ахборот осиб қўйиларди. Бу тадбир ишчиларнинг зиммасига янада масъулият юклади. Цех партия ва касаба союз ташкилоти боғлиги звенони қолоқликдан чиқариш учун яна бошқа тадбирларни ҳам амалга оширди.

Тошкентдаги электротехника ускуналари заводи партия ва касаба союз ташкилоти ишчилар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш соҳасида ана шундай ибратли ишларни амалга оширмоқда. Бу соҳада мастер Жалил Одилбековга ўхшаган ишлаб чиқариш командирлари ҳам катта роль ўйнамоқдалар.

В. ЖУРАЕВ.

ЙИЛ ЯКУНЛАРИНИ ЎЙЛАБ

Беш йилликнинг иккинчи йилига ҳам қадам қўйдик. Шу пайтда киши босиб ўтган ўз изларига бир бор назар ташлагиси, ютуқ ва камчиликларни саҳифа қилиб кўргиси келади. Корхонамиз аҳли ўтган йили анча баракали меҳнат қилди. Кўпгина цехлар йиллик маррани муддатидан олдин эгаллашдилар. 16 декабрдаёқ корхона бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини шараф билан адо этдик. Йилнинг қолган кунларида қўшимча кўплаб шифер, оҳак, асбоцемент трубалари ва цемент тайёрланди. Етти ой давомида шаҳар партия комитети ва иқрона комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлимизда маҳкам тутиб келдик. СССР бинокорлик материаллари саноати министрлиги ҳамда бинокорлар ва қурилиш материаллари саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини ҳам бир неча бор қўлга киритдик.

Муваффақиятларимиз бундан ҳам кўпроқ бўлиши, йил охирида ҳам биринчи ўринни эгаллаб юришиз ёрқин бўлиши мумкин эди. Аммо йил тамом бўлишига бир ярим ой қолганда корхонамизга Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг 05—281-сонли мактуби келиб қолди. Унда яна қўшимча 19 минг тонна цемент топшириш ҳақида буйруқ берилган эди. Ўйланиб қолдик. Ўзимизнинг план катта бўлса, министрлик аҳволни кўра-била туриб яна 19 минг тонна цемент талаб этишга қандай асоси бор экан? Буниг устига қўшимча план белгиланаётган пайтда ҳеч ким маъмурият билан маслаҳатлашмаган.

Социалистик давлат корхонаси ҳақидаги Низомнинг 47-пунктига бир назар ташлайлик. Унда айтилишича, дастлаб тасдиқланган план топшириғи жуда ҳам катта зарурат туғилганда, шунда ҳам корхона маъмурияти билан келишилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин. Шу Низомнинг бешинчи пунктида ҳам корхона маъмуриятининг ҳуқуқлари ҳақида очиқ-ойдин маълумот берилган.

Планнинг ўзгарилиши йил охирида бизга анча қимматга тушди. Агар 10 ой давомида пландан ташқари 15 минг тонна цемент ишлаб чиқарган бўлсак, ноябрь ойида эса, аксинча 2 минг тонна цемент кам тайёрланди. Чунки мавжуд пландан ташқари яна 19 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга корхонанинг резерви ҳам, ички имкониятлари ҳам йўқ эди. Фақатгина декабрь ойи охирларига келиб цемент тайёрлаш бўйича планни ўнма-ўн бажаришга муваффақ бўлдик.

Бу йил корхонамиз пландаштиришнинг ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлай бошлайди. Бундан буён планнинг бузилишига чек қўйилса, айрим раҳбар ташкилотларнинг хоҳиши билан у ўзгаравермаса яхши бўларди. Министрлик бу масалани чуқурроқ ўйлаб кўрмоғи, янги тартиблар асосида иш тутмоғи керак. Бизнинг истагимиз мана шу.

С. ЖАББОРОВ.

Бекобод цемент комбинати партия комитетининг секретари.

П. ПАК,

касаба союз комитетининг раиси.

Қ. ФАРМОНОВ,

айланма печь машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Украиналик бинокорлар Чирлонзорда янги уйларни пешма-деш қўлдан чиқаряпти. Улар қуриб берган пишиқ ва бежирим уйларга бирин-кетин тошкентликлар кираяпти. Тошкентликлар ўз украиналик дустларидан миннатдордир. Суратда украиналик илғор бинокорларни кўриб турибсиз. (Чапдан ўнгга) В. Ковтун, В. Андропов, В. Рудаев, Ю. Арапов, Г. Атамаев, А. Озеран.

А. Тўраев фотоси.

Мавлуда ва Елена пойтахтдаги электротехника заводида ишлашади. Улар пакет переключателларни йиғишади. Иш устида уларнинг қўллари қўлига тегмайди. Катта аниқлик ва чаққонлик талаб қиладиган бу ишни улар жуда пухта ўрганиб олишган. Иккала қиз ўз нормаларини ошириб бажармаган куни йўқ деса бўлади. Шу кунларда Мавлуда Мирзаева ва Елена Шардуб ўз ҳамкасблари қаторида Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги вахтасида туриб меҳнат қилишяпти. Суратда: М. Мирзаева (ўнгда) ва Е. Шардуб иш устида.

Н. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

РЕВОЛЮЦИЯ ВЕТЕРАНЛАРИ — ЁШЛАР МЕҲМОНИ

Дастлабки комсомоллар, Октябрь революцияси қатнашчилари бўлган кекса большевикларнинг шуҳрати ҳеч қачон сўнмайди. Уларнинг шижоати ёш авлод учун ҳамиша намуна бўлади. Тошкентдаги революцион ва меҳнат шуҳрати клуби Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги муносабати билан совет халқининг шонли традицияларини кенг пропаганда қилмоқда. Клуб кенгашининг раиси, 1917 йилдан КПСС аъзоси Никифорович Желтиков ЎзТАГ мухбирига ана шу ҳақда маълум қилди.

— Октябрь революциясига қадар ва Октябрь революцияси амалга оширилган дастлабки йилларда партия сафига кирган коммунистларнинг катта бир группаси,—деди у, — Ўзбекистон пойтахтида истиқомат қилмоқда. Революция ветеранларидан юзга яқин киши клубимизнинг аъзоларидир. Улар орасида В. И. Ленинни кўриш, у билан учрашиш ва гаплашиш бахтига сазовор бўлган кишилар ҳам бор. Улар ана шу учрашувлар тўғрисидаги хотираларини заводларда, клубларда, мактабларда ўтказилган суҳбатлар вақтида гапириб берадилар. Қизил латиш ўқчи солдатларининг собиқ командири Петр Иванович Сударс шундай кишилар жумласидан бўлиб, у Смольнийда Владимир Ильич билан икки марта учрашиш шарафига муяссар бўлди. Георгий Емельянович Нагаев ҳам кекса большевиклардан биридир. У касаба союзларининг съездида Ленин нутқини эшитган. Клуб аъзолари Тошкентдагина эмас, шу билан бирга республиканинг бошқа шаҳар ва районларида ҳам лекция ва докладлар билан чиқадилар, суҳбатлар ўтказадилар 1918 йилдан КПСС аъзоси С. М. Тошхўжаев яқиндагина Сирдарё областидан қайтиб келди. Кекса коммунистлар Хоразм, Қашқадарё ва Бухоро областларида бўлдилар.

Нигирманчи йилларда Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари бўлган Константин Михайлович Ригин Туркистон коммунистик ёшлар союзининг ташкилотчиларидан бири бўлди. Унинг ҳикоялари Ўзбекистон пойтахти ёшларини доимо қизиқтирмоқда. У ёшларнинг совет давлатини мустаҳкамлаш учун олиб борган фидокорона қураши ҳақида, ёшлар жонажон партия топшириқларини шараф билан бажарганликлари тўғрисида, меҳнатда кўрсатилган оммавий қаҳрамонлик ҳақида ўз хотираларини гапириб берадилар.

Биз революцион воқеалар рўй берган тарихий жойларга поход ва экскурсиялар ўтказишни ҳам мўлжаллаб қўйдик. Биз комсомол ва ёшлар билан биргаликда революционерларнинг ҳайкалларини, обидаларни тартибга соламиз, музейларга экскурсия қиламиз, партия съезднинг делегатлари, дастлабки комсомоллар иштироки билан кечалар ўтказамиз.

Бизнинг планларимизда клуб аъзоларининг саноат корхоналарида ишловчи ёш ишчилар билан, қардош республикалардан келган бинокорлар, маҳаллий гарнизон солдатлари, мактаб ўқувчилари ва студентлар билан учрашувлари кўзда тутилган. Революция ветеранлари Тошкентда Октябрь тўнтариши қандай тайёрланганлиги тўғрисида Қизил гвардиячиларнинг отрядлари қандай уюштирилганлиги, оқ гвардиячилар ва босмачилар қандай тор-мор келтирилганлиги ҳақидаги ўз хотираларини гапириб берадилар.

Биз революцион воқеалар рўй берган тарихий жойларга поход ва экскурсиялар ўтказишни ҳам мўлжаллаб қўйдик. Биз комсомол ва ёшлар билан биргаликда революционерларнинг ҳайкалларини, обидаларни тартибга соламиз, музейларга экскурсия қиламиз, партия съезднинг делегатлари, дастлабки комсомоллар иштироки билан кечалар ўтказамиз.

ҚАҲРАМОНОНА КУНЛАР ЙИЛНОМАСИ

Бу қалин китобнинг ҳар бир саҳифаси жуда қизиқиб ўқилади. Бу саҳифаларнинг сатрларида ҳозирги Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларнинг территорияларида бўлиб ўтган революцион жангларнинг ажойиб қаҳрамонлари, Совет ҳокимиятининг вужудга келиши ва қарор топиши ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинади.

Бу янги асар — «Туркистон Коммунистик партиясининг тузилиши ва фаолияти» деган илмий асарнинг иккинчи қисмидир. Китобни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти тайёрлаган ва «Ўзбекистон» нашриёти уни нашр этган. Воқеалар йилномасидан иборат бу китобда жуда кўп тарихий ҳужжатлар баён қилиб берилган. Унда партия ва давлат архивларининг материаллари, ҳужжатлар, газета мақолалари ва хабарларидан кенг фойдаланилган. Асар тарих фанлари доктори Ҳ. Т. Турсунов таҳририда нашр этилган.

Китобнинг катта бўлими Октябрь социалистик революцияси даврида Тошкент ҳамда собиқ Туркистоннинг бошқа шаҳар ва районларидаги партия ташкилотларининг фаолиятига бағишланган. Унда Ўзбекистонда хўжалик ва маданий қурилишнинг бошланғич босқичлари тўғрисида батафсил гапирилади.

(ЎзТАГ).

МОНОГРАФИЯ ЯПОНИЯГА ЮБОРИЛДИ

Бу йил Японияда биохимикларнинг халқаро конгресси ўтказилади. Шу муносабат билан турли мамлакатлардан конгресс ўтказувчи комиссия адресига турли монографиялар ва илмий ишлар тақдим этилмоқда. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети илон заҳари биохимияси лабораторияси ҳам конгрессга муносиб совға ҳозирлади.

Ленин мукофотининг лауреати академик Ё. Тўрақулов ташаббуси билан ташкил этилган бу лаборатория ходимлари ўтган бир йил ичида ана шу йирик илмий ишни ҳозирлаган эди. Кобра илони заҳаридан моддалар ажратиб олиш ва. уларнинг хоссаларини ўрганишга бағишланган илмий иш биохимик олимлар томонидан ҳам юқори баҳоланди.

Тошкентдаги асбобсозлик заводида механика цехининг слесари Раҳматулла Сандалиевни жуда ҳурмат қилишади. Бу ўзбек йигити коммунистик меҳнат зарбдори. Суратда: Раҳматулла иш устида.

А. Палехов фотоси.

БОЙЛИГИМИЗНИ ТЕЖАЙЛИК, АСРАЙЛИК

КАТТА ЙЎЛДАН

ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

КПСС XXIII съезди қабул қилган беш йиллик план Директиваларида кенг истеъмол товарларини янада кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш, енгил саноатни тез суръатлар билан ривожлантириш ҳам кўзда тутилган.

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси ҳозир енгил саноатимизнинг байроқдор корхонаси ҳисобланади. Бу — пойтахтимизда моделли пойафзаллар тайёрловчи ягона корхонадир. Ўтган йили фабрикада бир миллион жуфтга яқин эркаклар ва аёллар пойафзали ишлаб чиқарилди. Бежирим ва пишиқ тикилган маҳсулотлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва республикамиздаги бошқа шаҳарлардаги магазинларга жўнатилиб турибди. Шуниси қувончлики, моделли пойафзаллар омборларда қалашиб ётмайди, магазинларда туриб қолмайди.

Чунки, ана шундай маҳсулотга талаб катта. Фабрика кишиларимизнинг тобора ўсиб бораётган дидларига мос пойафзал етказиб беришга астойдил ҳаракат қиляпти, десак янглишмаган бўламиз.

Корхона коллективи ўтган йили шу йўлда озмунча изланиш олиб бормади, озмунча меҳнат қилмади. Зилзила оқибатлари туфайли корхона анча вақт беш туриб қолганига қарамай, йил охирида пландагидан ташқари етти минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқарилди. Корхона йиллик топшириқдагидан ташқари 216 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади. Рентабелли пойафзал тайёрловчи иккита цех қайта реконструкция қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фабрикада пландан ташқари тайёрланган ҳар бир жуфт пойафзал — бу иқтисод қилиш ва тежамкорлик, тадбиркорлик, катта-кичик ишларнинг ҳаммасида тежамли ишлаш самарасидир.

Маҳсулот тайёрлаш учун зарур моддий, меҳнат ва пул маблағларини сарфлашни қисқартириш, қўшимча резервларни қидириб топиб, ишга солиш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш ҳамда маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида тинимсиз изланаётган ишчиларнинг тежамкорликдаги ишларини дуруст баҳолаш мумкин. Буни ўтган йилги иш якунлари ҳам кўрсатиб турибди.

1966 йили фабрика иқтисод қилинган янада кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш, енгил саноатни тез суръатлар билан ривожлантириш ўзи ҳам бундай ишлашдан манфаат кўришяпти. Тежамкорлар моддий жиҳатдан рағбатлантириляпти.

Маҳсулот таннархининг камайиши эса, 25 минг сўмни ташкил қилди. Бу—яна неча юз жуфт пойафзал демакдир.

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Фабрикада рационализаторлар меҳнатидан ҳамма мамнун. Улар доимо изланишда, ўқиб-ўрганишда. Ҳар бир янгиликнинг сирини билиш ва жорий этишга ҳаракат қилишади.

Авваллари пойафзал пошнаси чарм-теридан тайёрланарди. Бу эса, унинг вазнини бирмунча оғирлаштириб, пойафзал шаклини бузар эди. Ўтган йили пошналар полиэтилендан тайёрланадиган бўлди. Оёқ кийими анча енгил ва бежирим бўлиб қолди. Ундан ташқари, корхонада устки пойафзалга иссиқлик ёрдамида нақш босиш қўлланиляпти. Бу ҳам рационализаторлар ҳиммати.

Яна рақамларга мурожаат қилайлик. Ўтган йили 50 ихтирочи киритган 58 таклифнинг деярли ҳаммаси жорий қилинди. 75 минг сўмлик (пландагидан 5 минг сўм кўп) иқтисодий самара берди бу янгиликлар. Умуман, корхонада бундай изланишларнинг ҳар бири аввало моддий, меҳнат ва пул ресурсларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш, хомашё, материалларни тежаб-тергаб фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннархини камайтиришга қаратилган.

Корхона ўтган йили ҳам барча техника-иқтисодий кўрсаткичларни муваффақиятли бажарди. Олинган кўчма Қизил байроқ корхона меҳнатига муносиб тақдирномадир.

ТАШАББУСГА ҚУШИЛИБ

Ярославльдаги «Североход» кўн-пойафзал бирлашмаси корхоналари коллективлари қимматли ташаббус кўтариб чиқишди. Улар кўн маҳсулотларидан тобора кўпроқ ишлаб чиқарайлик, аҳолига аъло сифатли, бежирим ва пишиқ пойафзал етказиб берайлик, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириб, техника прогрессида жорий қилайлик, деган шиорни ўртага ташлашди.

Бу ташаббус 2-пойафзал фабрикаси коллективини ҳам қизиқтириб қолди. Негаки, Ярославлдаги бирлашма корхоналарида ҳам шундай моделли пойафзал ишлаб чиқарилади. Ҳамкасблар тайёрлаётган аъло сифатли пойафзаллар ҳақида, уерда эришилаётган ютуқлар ва жорий қилинаётган янгиликлар тўғрисида кўп эшитишган.

Лекин, юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейди халқимиз. Коллектив ўз вакилини Ярославлга юборди. У шаҳардаги пойафзал корхонаси иши билан ҳар томонлама танишди. Куни кеча фабрикада ўтказилган мастерлар кунида Ярославль пойафзалчилари қўлланаётган янгиликлар, уларнинг тажрибаси атрофлича ўрганилди.

Бу ҳақда Ярославлга бориб келган тикув цехи бошлиғи З. Ковтанюк ахборот берди

— Дўстларимиз ишида биз учун намуна бўладиган томонлари анчагина, — дейди Ковтанюк. Ҳар бир дециметр материални тежаб-тергаб сарфлаш, бунга кўпроқ эришган ишчиларнинг манфаатдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириб, техника эстетикасини кенг жорий қилиш борасида ярославлликлардан кўп нарса ўрганишимиз лозим. Албатта, буни ҳар томонлама пухта ўйлаб кўришга тўғри келади.

Энг муҳими шуки, «Североход» коллективининг ташаббуси фабрика ишчилари, инженер-техник ходимларига ёқиб тушди. Биз ҳам ташаббусга қўшиламиз, дейишди улар.

РЕЖАЛАР

Фабрика коллективи ярославлликлар ташаббусига қўшилиб, ўз имкониятлари ва резервларини пухта ҳисоблаб чиқди. Ўз, устига янги мажбурият олди, янги режалар белгилади.

Тежамкорлик — фабриканинг асосий шиорларидан бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Корхона мажбуриятида тежаб қолинган хомашё ва материаллар ҳисобига 20 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Товар маҳсулотининг фойда бериш даражасини ҳар сўм ҳисобига 2 процент ошириш, хомашё, материал маблағларидан рационал фойдаланиш эвазига эса 591 минг квадрат дециметр юмшоқ тери, 174 минг квадрат дециметр қаттиқ тери тежаб қолиш мажбурияти олинди.

Маҳсулот сифатини яхшилаш, кишиларимиз дидига мос янги хил моделдаги пойафзал тайёрлаш соҳасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилади. Бу йил фабрикада пойафзалнинг 75 та янги модели жорий этилади, турларининг тўртдан бир қисми янгиланади. Ана шу янги моделлар бўйича 914 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқарилади.

Фабриканинг янги социалистик мажбуриятида янгиликларни, илғор иш усулларини ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида аҳамият берилади. 50 дан ортиқ янгиликни жорий этиш, бунинг эвазига 50 минг сўм иқтисодий самара олиш кўзда тутилган. Ундан ташқари, бу йил икки участкада меҳнат илмий асосда ташкил қилинади. Иккита янги машина ишга туширилади, бу эса йилига шартли равишда 3,5 минг сўм тежаш имконини беради. Шунингдек, мажбуриятда кадрлар малакасини ошириш, жумладан 80 кишини индивидуал ўқитиш мўлжалланган.

Бу режаларнинг амалга оширилиши, шубҳасиз корхона коллективининг Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейига муносиб совғаси бўлади. Ана шу шонли сана арафасида республикамиз халқ хўжалигида иқтисод қилиш ва тежамкорликнинг оммавий кўриги бошлаб юборилди.

Бу оммавий кўрикда 2-пойафзал фабрикаси коллективи актив иштирок этишга қарор қилди. Унинг янги социалистик мажбуриятини ана шу руҳ билан суғорилган.

И. СУЛТОНОВ.

ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТИ

КПСС XXIII съезди беш йиллик-нинг муҳим хўжалик-сиёсий вазифалари—асосан халқнинг турмуш даражасини оширишдан, бутун совет кишиларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини тўла қондиришга эришишдан иборат деб қайд қилди. Ҳақиқатан ҳам аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зотан, бу — идеология ва ташкилотчилик ишларимизнинг асосий вазифаларидан бири, коммунистик қурилишнинг муҳим омилидир.

Доҳимиз В. И. Ленин қишлоқ-ка маданиятнинг кириб бориши коммунизм ғалабаси учун зарур бўлган замин яратишда энг муҳим проблемадир, деб уқтирган эди. Совет ҳокимияти йилларида қишлоқларимиз қиёфаси, деҳқонлар меҳнатининг характери тубдан ўзгарди. Революциягача қадар ўзбек қишлоқларида саводли кишилар бармоқ билан санарли бўлса, эндиликда эса Ўзбекистон қишлоқларида олий ва ўрта малакали мутахассисларнинг катта бир армияси, жумладан 8,5 минг агроном, қариб 7 минг 300 техник ва ветеринария ходими, 6 минг инженер ва техник, 86 минг ўқитувчи, 20 мингдан кўпроқ врач ва ўрта даражадаги медицина ходими ҳамда халқ хўжалигининг бошқа кўпгина мутахассислари яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Қишлоқларимиз йил сайин обод бўлиб бормоқда. Кўплаб маданий-оқартув муассасалари ва коммунал-маиший объектларнинг кенг шоҳобчаларига эга бўлган янги посёлкалар қурилмоқда. КПСС Программасида кўрсатиб ўтилганидек, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутларнинг тугатилиши коммунизм қурилишининг энг буюк натижаларидан бири бўлади.

Аҳолининг маънавий эҳтиёжларини қондириш борасида қилинаётган ишлар кишини қувонтиради. Бу ерда меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг янги формалари вужудга келаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ўтган йилнинг биринчи ярмида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлари ҳажми 28 процент, шу жумладан қишлоқ жойларда 42 процент кўпайди.

Қишлоқ ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар натижасида мамлакатимизда ҳозирнинг ўзидаёқ коммунистик турмушнинг ажойиб белгилари яққол намоён бўлиб қолди.

Колхоз посёлкалари бизда оз эмас. Бу жиҳатдан Ўрмонжонидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», «Правда» ва Ленин номли, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», Свердлов номли, «Правда», Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда», «Северный маяк», Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов ва Ленин номли колхоз посёлкаларининг маданий ҳаёти ёрқин намуна бўлаолади. Социалистик шаҳар билан беллашаётган, юксак турмуш маданияти учун курашаётган бу колхоз посёлкаларида эски қишлоқлардан ном-нишон қолмаган. Демак, турмушда, оилада, кишилар ўртасидаги муносабатларда эски турмушнинг мудҳиш таянчлари емирилмоқда, эски деворлар қуламоқда, янгича коммунистик муносабатлар шаклланиб ривожланмоқда.

Фикримизнинг исботи сифатида айрим мисолларга мурожаат қиламиз. Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз юксак коммунистик маданий ҳаётни барпо этаётган хўжаликлардандир. Колхоз қишлоғи ўзининг ташқи кўриниш — шинам уй-жойлари, маданий-маиший ва орқатув муассасаларининг жойланиши билан кичик бир шаҳарчани эслатади. Тўқ ва фаровон колхоз ҳаёти колхозчиларнинг турмуш даражаси яхшиланиб, маданий даражаси юксалиб боришини белгилаяпти. Пахтачиликдан келаётган катта даромад қишлоқ қиёфасининг гўзаллашувига, колхозчилар турмуш даражасининг кўтарилишига замин бўлмоқда.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти қишлоқда турмуш маданиятини оширишга алоҳида эътибор беряпти. Колхоздаги клуб, магазин, нонвойхона, сартарошхона, медицина пункти, мактаб, болалар боғчаси қишлоқ аҳолисига намунали хизмат қилмоқда. Қишлоқ меҳнаткашларининг кўпчилигида телевизор бор, 280 оила колхоз кутубхонасидан фойдаланади, 303 оила газета ва журналлар олиб туради. Колхозчиларнинг уйлари батамом электрлаштирилган ва радиолаштирилган. 20 дан ортиқ колхозчининг енгил машинаси, мотоциклари ва мотороллерлари бор. Булар фаровонликдан ва қишлоқ меҳнаткашларининг янгича, маданий турмуш кечираётганлигидан далолат беради.

Бўка районидаги Ильич номли колхозда деҳқонларнинг меҳнат маданияти, турмуш шароитини яхшилаш ҳамда аҳоли яшайдиган пунктларни обод қилиш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди. Райондаги Ильич номли колхоз бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда. Шу беш йилликда колхозда 10 та типовой дала шийпони, колхозчилар учун 70 та уй, 20 ўринли меҳмонхона, стадион ва медпункт қурилади. Бунинг учун 750 минг сўмга яқин маблағ сарфланади. Шундай қилиб, ҳар йили маданий-маиший қурилиш ларга 180—200 минг сўмдан сарфланиб борилади. Колхоз 100 номерли автомат-телефон станциясига ҳам эга бўлади.

Яқин 4—5 йил ичида колхозчилар шинам уйларга кўчиб ўтадилар. Шундай қилиб, Ильич номли колхоз қишлоғи обод уйлари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва медицина муассасалари бўлган шаҳар типидаги посёлка бўлиб қолади.

Аммо, шу билан бирга қишлоқ аҳолисининг турмуш маданияти юз бераётган чуқур социал-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар даражасидан орқада қолиб келмоқда. Айрим жойларда қилинаётган ишлар халқимизнинг ўсиб бораётган талаблари даражасида эмас.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ IV ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг хилма-хил эҳтиёж ва талабларини қондириш масалалари ҳаммавақт ва ҳамма ерда хўжалик раҳбарларининг диққат марказида турибди, деб бўлмайди. Айрим қишлоқ жойларида маданий-маиший ва оқартув муассасаларининг фаолияти қишлоқ аҳолисининг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжи ва эстетик дидига тўла жавоб бермаётир. Афсуски, ҳануз эртаю кеч қулфлоғлиқ турадиган ёки бошқа мақсадларда фойдаланилаётган клуб ва кутубхоналар ҳам бор. Чунончи, Янгийўлдаги Ленин номли колхозда клуб қурилишини 9—11 ой муддатда тугатиш белгиланган эди. Ваҳоланки бу бинолар 3—4 йилдан бери битмайди. Бундай аҳволни Бўка, Ўрта Чирчиқ ва бошқа районларда ҳам кўриш мумкин.

Қишлоқларда маданий-оқартув ишларини жонлантириш учун биринчи галда клуб ва кутубхоналар қуриш керак. Чунки, турмушни коммунистик асосда қайта қуриш аҳолининг маданий ўсишига боғлиқдир. КПСС XXIII съездида таъкидланганидек, маданиятнинг моддий базасини жиддий равишда кенгайтириш, маданий фаолиятнинг ҳамма формаларини такомиллаштиришни таъминлаш, клублар, маданият уйлари, кутубхоналар ишининг мазмунини яхшилаш зарур. Бу — бутун партиянинг, барча партия ташкилотларининг, Советлар, касаба союзлари, комсомолнинг, шаҳар ва қишлоқлардаги барча меҳнаткашлар коллективларининг иши бўлиб қолиши лозим.

Совет қишлоқларининг порлоқ истиқболи учун нурашда янги қишлоқлар барпо этиш, маданий-маиший объектлар яратишда архитектурларимиз катта ижоднинг ўқишилари лозим. Коммунизм — гўзаллик демакдир. Қишлоқларимиз учун шундай лойиҳалар яратиб, замонавий бинолар қад кўтарсинки, уларга боқиб эстетик завқ олайлик. Қишлоқ қурилишларини янги замонавий услубда олиб бориш, посёлкаларни комплекс қуриш, маданий-маиший комбинатлар, савдо тармоқлари бир жойда бўлиши аҳолига кўпгина қулайлик туғдиради.

Маданиятлилик инсоннинг зебу-зийнати, ҳар томонлама камолатга эришувининг муҳим гаровидир. Республикада колхоз қишлоғининг маданиятини кўтариш учун бошланган кенг ҳаракат колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг маънавий эҳтиёжларига, совет қишлоғининг экономикаси ва маданиятини ривожлантириш манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV Пленуми қишлоқлар маданиятини янада юксалтириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, республика партия ташкилотлари олдида турган вазифаларни белгилаб берди. Пленум қабул қилган қарорда, 1970 йилгача хутор системасини асосан тугатиш, барча қишлоқ аҳолиси яшайдиган пунктларни қайта қуришни тамомлаш, шаҳар типидаги замонавий посёлкаларни бунёд этиш энг муҳим вазифа эканлиги қайд қилиб ўтилди.

Қишлоқда маданиятни юксалтириш — умумпартия, умумхалқ ишидир. Бу проблемаларнинг ҳал этилиши беш йилликнинг муҳим социал вазифасининг амалга ошиб, оқсаб қолди. Бўлимга бир неча врач бошлиқ этиб тайинланди. Аммо, ишда ўзгариш бўлмади. Комиссия томонидан қўйилган диагнозларнинг нотўғрилиги туфайли айрим кишилар пенсияга ўз вақтида чиқа олмай, овора бўлиб юришди.

Бу ҳол поликлиника раҳбарларини ташвишга солди. Нима қилиш керак?

Консультатив комиссия раислигига бу соҳада кўзи пишган тажрибали врачлардан бирини тайинлаш мақсадга мувофиқ деб топилди. 10-шаҳар касалхонаси коллективи врач Мавжуда Муҳамедовага ишонч билдирди. Мавжуда опа бўлим ишлари билан танишиб чиқди. Бўлимда чалкашлик кўп. Айниқса, район текшириш бўлими билан келишмовчилик бор. Бунинг устига касалларга нотўғри диагноз қўйилган.

Врач М. Муҳамедова ишга дадил киришиб кетди. Беморларни бирма-бир кўздан кечирди. Қайтадан текшириш натижасида айрим беморлар ҳақиқатан ҳам пенсияга чиқишлари зарур эканлиги аниқланди. Ранса шифохона врачлари билан шу хусусда консультациялар ўтказиб борди.

Орадан кўп ўтмай иш юришиб кетди. Тадбиркор бу аёл коллектив ишончини оқлади.

Мавжуда опанинг бу масъулиятли вазифада ишлаб келаётганига мана ўн йил бўлди. Бўлим ишидан ҳамма хурсанд. Бу ерга қўшни поликлиникалардан мутахассислар келиб, ўз тажрибаларини оширишмоқда.

Врач Мавжуда Муҳамедовани тиниб-тинчимас шифокор дейишади. У беморларни даволаш билан чекланиб қолмайди. Октябрь районидаги бир қатор корхона ва муассасаларга бориб, ишчи ва хизматчиларнинг сиҳат-саломатлигидан кўз-қулоқ бўлиб туради. Кровать заводи, 2-пойафзал фабрикаси ва марказий телеграфдаги медицина пунктлари ҳозир унинг оталигида.

Тадбиркор шифокор жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. У, поликлиника хотин-қизлар советининг аъзоси. Шифокорлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш учун ҳам вақт топади. Ёш шифокорларни сидқидилдан ишлашга, беморларга илиқ муносабатда бўлишга даъват этади. М. Муҳамедова даволаш контроль комиссиясининг аъзоси сифатида ҳам самарали ишлаб келмоқда.

Биз моҳир шифокор Мавжуда опага жўшқин меҳнат фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.

И. ЮСУПОВ.

Тошкент Давлат университетининг роман-герман факультети лабораторияси янги ўқув ускуналари билан жиҳозланмоқда. Суратда: 1 курс студенти Гулнора Аҳмедова фонетика дарсига тайёргарлик кўрмоқда.
Н. Аъзамов фотоси.

ЖОНКУЯР

Мамлакатлар ОДАМЛАР Воқеалар

«Алангадаги Меконг» фильмидан кадр. Бу янги фильм қаҳрамон вьетнам халқининг Америка агрессиясига қарши қаҳрамонона кураши ҳақида ҳикоя қилади. Фильмни ҳужжатли фильмлар марказий студияси операторлари В. Комаров ва О. Арцеуловлар олишган.

ТАСС фотохроникаси.

„Маданий революция" Шанхайда зарбага учради

ПЕКИН. (ТАСС). Шанхайда чиқадиган «Вэньхуэй бао» ва «Цзефан жибао» газеталарида босилган хабарлардан маълум бўлишича, Шанхайда «маданий революция»га қарши норозилик билдириш тариқасида саноат корхоналарининг ишлари тўхтаб қолган, темир йўл транспортида поездлар қатнамай қўйган, тош йўлларни тўсиб қўйиш каби ҳоллар бўлган. Ўзларини «исёнчилар ва революционерлар» деб атовчи хунвэйбинлар ташкилотлари томонидан қўлга олинган бу газеталар «шошилинч ахборот» босиб чиқарганлар. Бу ахборотда айтилишича, «Хитой Компартиясининг Шанхай шаҳар комитетида ҳукмрон бўлиб олган группа» ва уларга эргашиб борувчи «бир ҳовуч» кишилар «пролетар маданий революциясига путур етказмоқдалар, раис Маонинг йўлига қаршилик кўрсатмоқдалар».

Бу шахслар, дейилади «ахборот»да, «моддий фаровонлик масаласидан кишиларнинг эътиборини қурашнинг асосий йўналишидан четга тортиш учун фойдаланадилар, оммаининг бир қисмини иккинчи қисмига қарама-қарши қўядилар. Бу ҳол саноат корхоналарининг ишини тўхтатиб қўйишга, темир йўлларда поездларнинг қатнамай қолишига ва тош йўларнинг тўсиб қўйилишига олиб келди». Порт ишчиларини «ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатиб қўйишга даъват этиш» каби ҳоллар ҳам рўй берди.

«Ахборот»нинг авторлари «қурашнинг асосий йўналиши» — «маданий революция»ни охиригача етказишдан иборат, деб таъкидлайдилар. Улар Шанхай шаҳар партия комитетини» иш ҳақини оширишда ва ишчиларнинг моддий-маиший аҳволини яхшилашда» — айбдайдилар. Шанхай шаҳар партия комитети, дейилади «ахборот»да, «иш ҳақини ошириш ва моддий-маиший аҳволни яхшилаш йўли билан ишлаб чиқаришга путур етказиб, қурашнинг ниятларини ўзидан четлаштиришга уринди».

«Ахборот»да айтилади, «ҳозирги вақтда Шанхайда буюк пролетар маданий революцияси икки йўл ўртасидаги кескин кураш босқичига кирди», Шанхай шаҳар комитети «тормор қилинди» ва «бу ахборот эълон қилинган кундан бошлаб» иш ҳақини ҳар қандай йўл билан ошириш тақиқланади. «Иш ҳақини тартибга солиш ва моддий-маиший аҳволни яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳаракатнинг («маданий революция»нинг. — Редакция) Кейинги босқичида ҳал этиш керак», «Шошилинч ахборот»да шаҳар комитетига ва Шанхай жамоат хавфсизлиги бошқармасига мазкур ҳужжатдаги талабларнинг ҳаммасини бажариш буюрилади ва ахборотнинг моддаларини бузадиган кишилар буюк маданий революциянинг диверсантлари сифатида жазоланади, дейилади.

«Шошилинч ахборот» «раис Мао Цзэ-дунга қарши, раис ўринбосари Лянь Бяога қарши, Хитой Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги маданий революция ишлари группасига қарши чиқадиган кишилар» даҳол қамоққа олинади, деб огоҳлантиради.

Хитой Компартиясининг раҳбарлиги ва Хитой Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги ҳарбий комитет Шанхайдаги «исёнчилар» ташкилотларининг талабларини маъқуллашди. «Жэньминь жибао» газетаси Хитой Компартияси Марказий Комитетининг, Хитой Халқ Республикаси давлат кенгашининг, Хитой Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги ҳарбий комитетининг ва Хитой Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги маданий революция ишлари группасининг «шошилинч ахборот» авторларига йўллаган табрик хатини босиб чиқарди. Табрикда Шанхайдаги Мао Цзэ-дун ва унинг группаси тарафдорларининг «революцион ҳаракатлари» тамомила қўллаб-қувватланганлиги билдирилади.

Табрикнома «раис Мао тақдим этган йўл»га мувофиқ, «партия, ҳукумат, армия ва халқни маданий революциянинг голибона илгари силжиб боришини таъминлаш»га даъват этади.

ВДР ОСМОНИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. Вьетнам халқ армиясининг ҳаво ҳужумига қарши ҳимоя қисмлари 12 январда Нгеан вилоятида Америкаларнинг битта самолётини уриб туширдилар. ВДР территорияси тепасида уриб туширилган Америка самолётларининг жами сони шу билан 1.634 тага етди.

ҲУЖЖАТЛАР ФОШ ҚИЛАДИ

ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлиги эълон қилган иккинчи китобда Таиланд ҳукумат маъмурлари Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган агрессив урушда АҚШ билан ҳарбий ҳамкорлик қилаётганлигини исботловчи ҳужжатлар бор. Шу китобда Вьетнам Демократик Республикаси территорияси устида уриб туширилган ва асир қилиб олинган Америка ва Таиланд учувчиларини сўроқ қилиш вақтида тузилган протоколлар эълон қилинган.

ЕВРОПА ХАВФСИЗЛИГИ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

БЕРЛИН, 14 январь. (ТАСС). Германия коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Эрих Глюкауф «Дойчландзендёр» радиостанцияси орқали гапириб, бундай деди: Кизингер ҳукумати меҳнаткашларнинг иқтисодий манфаатларини таъмин этмаётир. Бу ҳукумат қуролланишни кўзда тутиб, солиқларни тўхтовсиз ошириш тўғрисида ва йирик монополияларнинг жуда кўп фойда олишини таъминлаш тўғрисидагина ғамхўрлик қилмоқда.

Германия Демократик Республикаси давлат кенгашининг раиси В. Ульбрихтнинг янги йил муносабати билан сўзлаган нутқига тўхталиб, Э. Глюкауф қуйидагиларни таъкидлади: Германия Демократик Республикасининг ҳукумати ҳар иккала герман давлати ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш тўғрисидаги таклифлари билан республикаларнинг халқаро майдондаги обрўсини кучайтиришга ёрдам беради. Германия Демократик Республикаси билан музокаралар олиб боришдан бош тортаётган Бонн ҳукумати эса, жаҳонда ўз обрўсини йўқотиб қўймоқда. Соғлом фикр юритувчи кишиларнинг бирортаси ҳам, деди Э. Глюкауф, Кизингер ҳукуматининг янги шарқий сиёсат ва Герман масаласидаги янги ташаббус тўғрисидаги баёнотни жиддий баёнот деб ҳисоблай олмайди, чунки Бонн ҳукумати аслида қуролланиш учун бўладиган харажатларни кўпайтирмоқда, чегараларни қайтадан кўриб чиқиш талабларини қўймоқда ва Германия Демократик Республикасини иккалаб қолдириш ва тугатишга уринмоқда.

Э. Глюкауф ҳозирги вақтда Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида муносабатларни нормаллаштириш тўғрисидаги масала Германияда ва Европада хавфсизликни таъминлаш шартларидан бири бўлиб қолди, деб таъкидлади.

СМИТНИНГ НАВБАТДАГИ НАЙРАНГИ

БРАЗЗАВИЛЬ. (ТАСС). Конго (Киншаса) ҳукумати ўзининг махсус баёнотида иркчи бош министр Ян Смитнинг Жанубий Родезия қабилаларининг реакцион бошлиқлари билан тил бириктирганлигини кескин суратда қоралади.

Киншаса радиоси эшиттирган баёнотда бундай дейилади: дипломатик доираларга яқин манбалардан маълум бўлишича, Ян Смит Жанубий Родезия қабилаларининг 26 бошлиғи билан маҳфий кенгаш ўтказди. Бу кенгаш тамом бўлганидан кейин ана шу 26 қабила бошлиқларидан бири Синола баёнот бериб, Жанубий Родезияда тартиб ҳукм сурмоқда ва Смитнинг ҳозирги режими Африкада тинчликка хавф туғдирмаяпти, деб даъво қилди.

Конго (Киншаса) ҳукумати ва халқи иркчиларга сотилган ва ҳеч кимнинг манфаатини ифода этмаётган қабила бошлиқларининг бундай ҳаракатларига қаҳр-ғазаб билан қарши чиқмоқда. Ян Смит шу хилдаги найранглар билан Жанубий Родезиядаги африкаликлар ўзини қўллаб-қувватлаётганлигига жаҳон жамоатчилигини ишонишга мажбур этиш учун биринчи марта найранг қилаётгани йўқ. Ян Смит озчиликни ташкил этган оқ танлиларнинг Жанубий Родезияда яшовчи 4 миллионлик африкалик аҳоли устидан ҳукмронлигини абадий сақлаб қолиш учун ҳеч қандай воситалардан ҳазар қилмаётир.

Буларнинг ҳаммаси, деб таъкидланади Конго ҳукуматининг баёнотида, беҳуда уринишлардан бошқа бир нарса эмас. Адолат ва демократия тарафдори бўлган кишиларнинг ҳаммаси Ян Смитнинг ана шу найрангларини қоралайди. Жанубий Родезия халқи озод бўлишни талаб қилмоқда.

ТОГОДА АҲВОЛ

ЛОНДОН. (ТАСС). Информация агентликларининг хабар беришича, яқин орада «миллий яраш комитети» тузилади. Бу комитет кеча ҳарбий тўнтариш бўлиб ўтган Тогода муваққат ҳукумат вазифаларини бажаради. Рейтер агентлиги мухбирининг Ломедан хабар беришича, комитетга Того қуролли кучларининг собиқ қўмондони полковник Клибер Даддо бошчилик қилса керак.

Того президенти вазифасини бажариб келган Николас Грюницкий кеча истеъфо берди. Грюницкий Ломе радиоси орқали гапириб, бундай деди: мамлакатдаги ташвишли аҳволни эътиборга олиб, мен «армияга мурожаат қилиб, ҳокимиятни ўз қўлига олишни илтимос қилдим». Мамлакатда ҳокимиятни кўмондонлиги «республиканинг собиқ президенти ва унинг ходимларининг хавф-хатарсиз бўлишини таъминлаш» мажбуриятини ўз зиммасига олди.

350 ИШЧИ ИШ ТАШЛАДИ

ЛОНДОН. «Бритиш мотор корпорейшн» компаниясининг Бирмингемдаги автомобиль заводида банд бўлган 300 та машина ҳайдовчи забастовка эълон қилди. Улар иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларини қондиришдан маъмуриятнинг бош тортганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар.

«Ровер компани лимитед» автомобиль фирмасининг Бирмингем яқинидаги Солихалл шаҳри заводидаги 350 ишчи ҳам иш ташлади. Улар меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилмоқдалар.

АСВОН БУЮРТМАСИ БИЛАН

ҚОҲИРА. Искандария портига келган совет теплоходи Асвон ГЭСининг навбатдаги, учинчи турбинаси учун ишчи ғилдирак келтирди. Оғирлиги 132 тонна келадиган ана шу баҳайбат механизм махсус буюртмага биноан Ленинграддаги металл заводида тайёрланди. Асвон қурилишига элтиб берилган дастлабки икки турбина ғилдираги сингари бу механизм ҳам махсус баржада аввал денгиз бўйлаб, сўнгра эса Нил дарёси бўйлаб, минг километр йўл босиб ўтади ва сўнгра янги гидростанцияга олиб бориб ўрнатилади.

Баланд тўғонни қуриш планига мувофиқ, бу йил Асвон ГЭСининг дастлабки учта агрегати ишга туширилади.

БИРДАМЛИК

ДАМАШҚ. (ТАСС). Дамашқда Адан халқи билан бирдамлик юзасидан чақирилган 3-халқаро конференция очилди. Конференцияда дунёнинг турли мамлакатларидан келган 60-дан ортиқ ишчи ва касаба союз делегациялари қатнашмоқда. Сессия ишида қатнашмоқ учун Грузия ССР касаба союзлари советининг раиси Ш. Д. Кикнадзе бошчилигидаги Совет касаба союзлари делегацияси ҳам келди.

ҚОНУНИЙ ТАЛАБЛАР

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентинанинг Тукумане вилоятида намойишчилар билан полиция ўртасида бўлган тўқнашувлар натижасида беш ишчи қаттиқ яралар бўлди.

Бу вилоятдаги қанд-шакар заводларининг намойишда қатнашган ишчилари кўплаб ишдан бўшатишни тўхтатишни ва меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилган эдилар. Полициянинг қуролли отрядлари намойишчиларга қарши ташланди. Бу отрядлар ишчиларни қуршаб олиб, уларни ўққа тутдилар ва кўздан ёш оқизадиган газ солинган гранаталарни ташладилар.

Қанд-шакар саноати ишчиларининг касаба союзи эълон қилган баёнотида реакция меҳнаткашларнинг ҳуқуқларига қарши ҳужумни кучайтирганлиги таъкидланади. Кейинги кунлардагина, дейилади баёнотда, 4 минг киши кўчага чиқариб ташланди.

Аргентина темир йўлчиларидан 220 минг киши забастовка ўтказди. Мамлакатнинг темир йўлларида поездлар қатнови тамомила тўхтаб қолди.

Бундан ташқари, темир йўлчилар тўланмай қолган иш ҳақини дарҳол тўлашни талаб қилмоқдалар.

Ажал билан ҳамкорликда...
А. Ҳолиқов чизган расм.

СОНЕТ

Ором бешигида ухлайди ўғлим,
Бошида посбондай онаси бедор.
Меҳр пиёласи жўшар лиммо-лим,
Қора кипригида ўйнайди саҳар.
Ҳаёл набутари чарх урар ҳамон,
Келажак дафтарин варақланар бот.
Чинордай ўғлининг бошида осмон,
Оғушига олар мусаффо ҳаёт.
Дақиқалар оқар тоғ жилғасидай,
Шарқий уфиларда қизарар шафақ.
Ўғлининг нафаси—тонг нафасидай
Ёргинам юзидан ўпади шу чоқ.
Ўғлим ҳам уйғонар тонг ғиллиг кулиб,
Ва уйим ёритар бир қуёш бўлиб.

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

ЯНГИЛИКЛАР ВА ЭЛОНЛАР УЧРАШУВЛАР

Гўзаллик ошиқлари

Бу билим юртини ёш ижодкорлар ўчоғи дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Агар сиз республика бадиий билим юртига борсангиз, ёш ҳайкалтарошлар томонидан яратилаётган ранг-баранг асарларни кўриб завқингиз ортади.

Билим юртининг ҳайкалтарошлик бўлимида ҳозир кўпгина қобилиятли ёшлар таълим олишмоқда, ҳайкалтарошликнинг ўзига хос «сирларини» ўрганишмоқда. Билим юртининг IV курс студенти А. Ҳасанов ҳам ўзининг дастлабки асарлари билан қобилиятли ижодкор бўлиб етишаётганини кўрсатди. Сиз ўнгдаги суратда уни ёғочдан шакл ясаётган бир пайтда кўриб турибсиз.

Пойтахтдаги «Сувенир» фабрикасида наққош Феруза Буланбоеванн ҳамма яхши танийди. Унинг гўзал, жимжимадор нақшлари кишн диққатини ўзига тортади. Айни вақтда Феруза чет тиллар педагогика институтининг кечки бўлимида ўқимоқда. Чапдаги суратда: Ф. Буланбоева иш устида.

А. Палехов фотолари.

«ГОЛУБОЙ ОГОНЁК» ДАВРАСИДА

Олий партия мактабининг катта зали яқинда куй ва қўшиққа, қаҳқаҳаларга тўлди. Саноатчилар Куйбишев район партия комитети ташкил этган бу «Голубой огонёк» даврасида фикр алмашишди, тажрибалар билан ўртоқлашишди.

Район саноат корхоналари ўтган йилни зафарлар билан якунлади. «Тошкенткабель», «Ташсельмаш», лак-бўёқ каби заводлар маррага биринчи бўлиб етиб келдилар. Район партия комитетининг биринчи секретари А. Акрамов пешқадамларни, корхоналар раҳбарлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ходимларини эришилган муваффақият билан қизғин кутлади. Район ижроия комитетининг ранси М. Ҳужаев йигирматэ пешқадам корхонага район партия комитети ва район ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғини топширди.

ЕШЛАР УЙИ

Пахтакор стадиони ёнида яқиндагина «Ёшлик» спорт манежи қурилиб, ишга туширилган эди. Ҳозирда манежнинг қариши томонида яна улкан қурилишга қўл урилди. Бу ер Ёшлар уйи бўлади. Ёшлар уйи лойиҳасини «Ташгипрогор» институти архитекторлари Рихард Близе билан Нинель Горбенко ўртоқлар ижод қилишган.

Ёшлар уйи 8200 квадрат метр майдонга эгаланиб, 12 та ҳар хил бино комплексини ўз ичига олади. Уларнинг энг каттаси меҳмонхона бўлади. Меҳмонхона ўн қаватли бўлиб, бағрига 350 кишини олади. Юқори қавати ёзги ресторанга мўлжалланган. Ёнгинасида эса, 250 ўринли ёшлар кафеси қурилади. Анҳор ёқасига эса 100 ўринли чойхона тушади.

Лойиҳачилар ёшлар уйи теварак-атрофини кўкаламзорлашга алоҳида эътибор беришган. Кенг хиёбонининг ўртасига фонтан ўрнатилади.

Ҳозирги кунда бинокорлар ёшлар уйи комплексини жадал суръатлар билан бунёд этишаяпти. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги арафасида дастлабки комплекслар фойдаланишга топширилади.

ҲАММА ҚУЛАЙЛИКЛАР МУҲАЙЯ

Луначарское шоссесида қад кўтарган ҳашаматли бинс яқинда область поликлиникаси ихтиёрига берилди. Бу ерда беморларни қабул қилиш, даволаш ишларини олиб бориш учун ҳамма қулайликлар мавжуд.

Поликлиника янги бинога кўчиши муносабати билан бу ерда қўшимча кабинет ва лабораториялар очиш имкони туғилди. Травматология, онкология ва электрокардиография каби янги кабинетлари ўз фаолиятларини бошлаб юборди.

Рентгентерапия билан шуғулланиш учун асос солинди. Поликлиника алоҳида конструкцияга эга бўлган рентгенология аппарати билан таъминланади.

КОМПОЗИТОРЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ҳаваскорлик санъати Бутуниттифоқ фестивалига жойларда катта тараддуд кўрилмоқда. Бу катта кўрик олдидан республика композиторлари ҳам ижодий меҳнат армуғонларини ҳозирладилар. Нота партитаталари билан тайёрланган қўшиқлар тўплами босилиб чиқди.

Тўплам хор ва ашулачилар бадиий ҳаваскорлик коллективлари учун муносиб тортиқ бўлди. Унда Ҳ. Исомов, А. Берлин, В. Зудов ва бошқа композиторларнинг оммабоп хор асарлари ва қўшиқлари бор.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Дарё устида портлаш

(„КОТОВСКИЙНИНГ ТОШКЕНТЛИК ДОКТОРИ“ ЛАВҲАЛАР ЦИКЛИДАН)

Рогачево қишлоғида дув-дув гап: немислар изғиб, тобут созларни қидириб юришибди.

— Нима гап ўзи?

— Темир йўл кўпригида фалокат юз берибди.

— Фалокатми, ёки партизанлар боплаб кетишдими?

— Эй, оғзингга қараб гапир-санг-чи! Деворнинг қулоғи бор-а!

Қишлоқ кўчаларида, кварталларида, майда-чуйда билан савдосотиқ қилувчи бозорчиларда ана шундай гаплар тарқалган. Уч киши бир жойга тўпланиб қолдими, бас, «айғоқчи кўрмасин, балога қолмайлик», деб дарҳол тарқалиб кетишга ошиқишади. Ҳақиқатан ҳам аянчли воқеа юз берган. Немис комендатураси қишлоқда қанчайики тобутсоз бўлса, ҳаммасини тобут ясашга, камида тўрт юзта тобут ясаб беришга сафарбар этмоқчи. Қишлоқда эса бор-йўғи битта тобутсоз бор, у ҳам бўлса ошини-ошаб, ёшини яшаб бўлган бир мўйсафид.

Комендатура айғоқчилари яқин-ўйроқдаги аҳоли яшайдиган пунктлардан тобутсозларни йиғмоқда, қишлоқда қамал ҳолати эълон қилинган. Одамларни чиққани ҳам киргани ҳам қўйишмайди. Ҳатто немис офицерлари, полициячилар ҳам гражданча кийиниб, дам у кишининг оғзига, дам бу кишининг оғзига қулоқ тутишади. Кўприкни, бутун бир эшелонни, қанчадан-қанча сараланган немис солдат ва офицерларини портлатиб юборган кишиларнинг лоақал биронтасини қўлга туширишни истайди улар.

Қишлоқда — одамлар орасида бир киши бамайлихотир юрибди. Унинг чап оёғи оқсайди, соқолмўйлаби ўсиб кетган, устидаги кўйлаги мужикларникидай узун — тиззасига тушади. Унинг партизан эканлигига ҳеч ким ишонмайди. У белорус тилида пухта гапиради.

Котовский номли партизанлар отрядининг вакили бўлган бу одам ўзига жуда эҳтиёт. Фақат немислар ҳақида маълумот олиш кетидан юрибди.

Немисларнинг бугунги ҳаракатини кўриб дам кулгиси келади, дам ғазабга тўлади. Шунда у куни кеча рўй берган воқеа тафсилотини кўз олдига келтиради.

Отряд командири Николай Александрович Труснов алоқачини юборибди, барча командирларни ўз ҳузурига чақиртирди. Санитария бўлимининг бошлиғи Шермат Турғунов ҳам кенгашга келди.

Кенгаш бошланишидан олдин отряд командири ертўладан ташқарига чиқиб барча постларни бирма-бир кўздан кечирди. Унинг рухсатисиз бирорта кишини ҳам ертўлага киргазмаслик ҳақида қатъий буйруқ берди. Бундан вазият жиддий эканлигини ҳамма тушунди. Сокин ертўлага сукунат чўмди. Бурчакдаги замбарак ўқи гильзасидан қилинган жин чироқ пилиги ҳозиргина тугаб, одамлар қоронғи, туйнуксиз, деразасиз бир хилватхода абадий қолиб кетаётганга ўхшарди.

Командир гап бошлашдан олдин йиғилганларга бирма-бир назар ташлаб чиқди. Гўё бу қараш билан кишиларнинг юрагидаги дарди, ҳасратини, кўнглидаги гапларини сезиб олгандек бўлди. Ҳамма командирнинг сўзини беҳиҳтиёр, зориқиб кутарди.

— Бургутларим, сизларни бу ерга чақиришимдан мақсад, — дея гап бошлар экан, соатига бир қараб қўйди отряд командири, — жиддий масалани биргаликда келишиб олиш, аниқ бир план бўйича ҳаракат қилиб, Ватан буйруғини бажаришдан иборат.

— Ўйлайманки, командирнинг юзини ерга қаратмаймиз.

— Майли, командир кимга ишонч топширса, боравeрамиз, — деди кимдир.

— Мен ҳам, Аваз Мамедовнинг бургутларини мўлжаллаб турган эдим. Яхши ўзи гап очиб қолди. Шуни айтиш керакки, бу фақат бир кишининг, ёки бир группанинг қўлидан келадиган иш эмас? Ҳаммамиз баравар ҳаракат қилишимиз керак.

— Тўғри! — деб юборди ҳамма жўр бўлиб.

— Бунинг учун дозорлар орқали ҳаракат қилган маъқул. Мамедов группаси энг олдинда борсин. Аммо ўққа чап беришга ҳаракат қилинг!

...Урок шаклида қайрилган янги ой ўрмон кетига бош кўйди. Ҳаммаёқ жимжит. Қоронғи ўрмон зимистонга айланди.

У оҳиста ўрнидан турди-да, торхонанинг ўртасидаги кичкина йўлкадан уёқ-буёққа салобат билан қадам ташлаб юра бошлади.

— Ҳозиргина радист Саша «Катта ер»дан олинган хабарни келтирди. Аниқ манбаълардан маълум бўлишича, немислар бугун кечаси Рогачёво қишлоғига катта ешелон жўнатишади. Иккита паровозга тиркалган бу эшелонда фақатгина қурол-яроғ, эмас, балки катта амалдаги немис офицерлари ҳам бўларкан. Биз қандай бўлмасин, ўша офицерларни — «чақирилмаган меҳмонларни...» — Командир бир пас жим қолди. Сўнгра сўниб қолган папирос қолдиғини бармоқлари билан эзатуриб сўради:

— Қани, бургутларим, кимни юборамиз?

У ўз отряндаги партизанларни мудом «бургутларим» деб аташга одатланиб қолганди.

Орада сув сепилгандек сукунат ўқди. Ҳамма ўзича нималарнидир ўйлар, ўзича вазиятга баҳо бериб, ўзича режа тузар эди.

— Ўртоқлар, агар бу ишни бизга ишониб топширишса, мен бораман, — деди портлатувчи группанинг бошлиғи кавказлик ҳушчақчақ йигит Аваз Мамедов, — Беморларга ким қарайди? Ярадорларни ким даволайди?

— Касалларга фельдшеримиз қарашиб туриши мумкин. У фақатгина яранг боғлаш эмас, балки баъзи операцияларни ўтказишга ҳам қодир. Мен у ерда йигитларга керак бўларман. Иложи бўлса, Аваз Мамедов группаси билан ҳаракат қилишга рухсат берсангиз...

Командир узоқ баҳслашиб ўтирмади. У докторнинг бундан олдин ҳам бир неча бор жанговар операцияларда қатнашганини эслади.

— Майли, сиз айтгандек бўлсин. Аммо ўққа чап беришга ҳаракат қилинг!

Тўртоқлар! — Ўрнидан турди Шермат Турғунов. — Рухсат беринг, мен ҳам бирга бораман.

Ахён-ахёнда каканларнинг сайраши, бойқушларнинг овози, булбулларнинг хонини қулоққа чалинади.

Устига яшил нақоб кийиб олган портлатувчилар группаси йўлга тушди. Улар йўл-йўлакай ўзларига таниш бўлиб қолган ҳар бир дарахтга, ҳар бир тўнкага, ҳар бир бутага, ҳар бир тип кўкатга назар ташлашади. Ҳар қаердан кутилмаганда душман чиқиб қолиши, ўқ узиши мумкинлиги тўғрисида ўйлашади. Баъзан эмаклаб, баъзан ёртиб-сакраб юришади. Боқ илон изи бўлиб, гоҳ тўғри ҳаракат қилишади. Гаплашишга эҳтиёж йўқ, вақт ҳам йўқ. Ҳаммаларнинг ҳаёлида тезроқ кўприкни забт этиш, «чақирилмаган меҳмонлар»ни кўнглидагидек кутиб олиш фикри жо қилинган.

Ниҳоят темир йўлга ҳам яқин қолди. Энди ҳамма янада ҳушёрроқ ҳаракат қилишга тиришар, ҳар бир шарпага эътибор берар, ҳар бир қимирлаган кўкатни ҳисобга олар эди.

Пакка яқинлашганда Мамедов шерикларини — жанговар бургутларини аста имо билан чақирди. Ҳар бир кишига алоҳида вазифа қўйди. Биринчи вазифа немис соқчиларини жаҳаннамга узатиб, уларнинг қиймини кийиш, қуролини олиб, улар ўрнида соқчилик қилиш эди. Бу вазифа қанчалик оғир бўлмасин, ҳамма уни бажаришни ўзига шарафли бурч деб биларди.

Аваз Мамедов билан ёнма-ён ҳаракат қилишни Шермат Турғунов ўз зиммасига олди. Агар командир сафдан чиқса, унинг вазифасини бажариш ҳам Турғунов зиммасига юкланди.

Группа Сож дарёси кўпригига яқинлашгач, пастликда немислар соқчисини кузата бошлади. Кўприкнинг икки ёнида, иккитадан тўрт соқчи. Улар қоронғуликдан ўлгудай кўрқиб, аҳён-аҳёнда ҳуштак чалишар, ўқ узиб ўзларининг «ҳушёрлиги» ҳақида шерикларига хабар беришарди.

Тунда соат чамаси иккиларда соқчилар алмашди. Шундан сўнг ҳам бирин-кетин икки марта ўқ узишди. Ракета отиб, атрофни кўздан кечиришди. Шу пайт Аваз Мамедов булбул овозига ўхшаш сигнал билан шерикларига ишора берди, беҳосдан сайраган қуш немис соқчисини ҳушёр қилиб қўйди. Партизанлар ҳам бўш келмади. Аста-секин олдинга силжишди.

Йигитлар олдинга бориб немис соқчиларини бирин-кетин қулатишди. Уларнинг ўрнига эса, ўзлари қоровул бўлишди. Ниҳоят, мина ҳам кўмилиб бўлди. Шу пайт Аваз Мамедов рельсга қулоқ тутиб, поезд келаётганлигини билдирди.

Йигитлар ҳотиржам орқага қайтишди. Ҳар эҳтимолга қарши икки киши поезд йўлидан юз эллик метр чамаси чуқурликка яширишди. Бошқа партизанлар эса ўрмон ичига кириб, кўздан ғойиб бўлишди. Шу пайт пиқиллаб келаётган паровоз кўприкнинг нариги бошига етмасданоқ, шундай бир зўр портлаш рўй бердики, унинг кучидан осмону фалак ларзага келди. Дарё устидаги портлаш натижасида кўприк ҳам, вагонлардаги яроқ-аслаҳаю, енилғи, ҳам, немисларнинг солдати ва офицерлари ҳам ёниб кетди.

Немислар замбараклардан, ракеталардан ўқ узиб, ҳаммаёққа шовқин солиб, қий-чув бўлиб ётган пайтда, партизанлар ўз қарорғоҳларига эсон-омон қайтиб, жанговар топшириқ бажарилганлиги тўғрисида командирга рапорт беришаётган эди.

Маълум бўлишича немис комендатураси Рогачёво ва унинг атрофидаги тобутсозларни йиғиб, тўрт юзта тобут буюртирибди.

...Қишлоққа юборилган партизан шуларни эсларкан, отряд командири номига юборган маълумотнинг тўғри чиққанлигидан беҳад ҳурсанд кўринарди.

Самад ҚОДИРИЙ,
Машъал ҲАКИМОВ.

ЯНГИ ЖУРНАЛ „ГУЛИСТОН“

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг органи ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий безакли журнал «Гулистон»нинг 1-сони чиқди.

«Гулистон» журнали муборак айёмда — Улуғ Октябрь тонги отган кунининг эллик йиллиги арафасида чиқаётганлиги айниқса қувончлидир, — дейиладн Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг табригида. — Бу воқеа партия ва ҳукуматимиз совет халқи маънавий равнақига, совет матбуотига, унинг тараққиётимиздаги ролига нақадар катта аҳамият бериб келаётганлигининг яна бир далилидир».

Журналда қутловлар, истаклар, «Огонёк» журнали редакциясининг саломи, гулистонхонларга мурожаат кўзга кўринарли жойларда берилган.

«Гулистон» саҳифаларини варақлар эканмиз халқимизнинг асосий бойлиги — «оқ олтин» — бултур 4 миллион тоннадан ортиб кетганлиги, Тошкентни бутун мамлакат қураётганлиги тўғрисидаги ва бошқа суратларга кўзингиз тушади.

Журналнинг илк сонида «Ленин номли бола» деган ҳикоя, Горкидаги эпиграфхоҳи акс этгирган суратлар, Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Нозим Ҳикмат, (Ҳамид Олимжон таржимасида), Асқад Мухтор, Рамз Боббожон, Абдулла Орипов, Ҳуснидин Шариповнинг шеърлари, Ҳамид Ғулом, Ўлмас Умарбековнинг ҳикоялари, Турғун Пўлат, Ҳамид Нурийнинг фельетонлари, Саид Аҳмаднинг «Эгар бозори», Эркин Воҳидовнинг «Хурракчилигимизни ривожлантирайлик» сарлавҳали асарлари бор.

Тарих фанлари доктори М. Ваҳобов, филология фанлари кандидатлари О. Шарафиддинов, Р. Жуманиёзов, профессор Л. Қаюмов ўртоқларнинг илмий мақолалари, ижчам тақризлари ҳам журнал саҳифаларида учрайди.

«Гулистон»нинг биринчи сонида Иўлдош Шамшаров «Қўшиқ», Рустам Раҳмон «Қочган чўл изларн» очерклари, санъатшунослик фанлари кандидати М. Раҳмонов «Ўзбекистон санъат тарихи» материаллари, Тўқин «Тўртинчи қадаҳ» навелласи, Охунжон Ҳакимов «Шаҳар бирдан қурилади», Абдукарим Набиҳўжаев «От йилнинг офатлари» мақолалари, шунингдек, СССР спорт мастери М. Муҳиддинов сатранж ҳақидаги суҳбати, Ваҳоб Рўзиматов қандолатчалари билан қатнашган.

«Гулистон»ни қўлингизга олишингиз биланоқ нафис безалган муқованинг биринчи саҳифасидаги ёдгорлик — тошкентлик 14 комиссарнинг қаҳрамонлиги шарафига вокзал олдига ўрнатилган монумент ҳайкал эканлигини пайқаб оласиз.



Журнал саҳифасида бундан ташқари кўпгина мусоҳабалар, ранг-баранг хабар, бўёқли сурат, «Мўйчиннак» ҳазил-мутойибаларини топа оласиз.

Мундарижада хабар берилишича, «Гулистон»нинг иккинчи сони халқимиз, диёримизнинг ярим аср мобайнидаги жамолига бағишлаб чиқарилади.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ЭНГ КАТТА КАРТИНА

Машҳур прогрессив рассом Сикейрос Мексикадаги «Казино де ла Сельва» отельеси деворига расм солишга розилик билдирди.

Бу маҳонда энг катта картина бўлади. Рассомлар 4444 квадрат метр ҳажмдаги деворга Мексика халқи тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи расм соладилар.

Бу асар темасини Сикейрос яратган бўлиб, бу фикр қамоқдалигида пайдо бўлган. Рассомга 18 киши ёрдам беради.

ГУЛЛАЁТГАН БИЗНЕС

Кейинги пайтларда АҚШда наркот билан савдо қилиш ишлари жуда қизиб кетди. Оқимининг бир «порцияси» етти грамм бўлиб, ўртача юз доллар туради.

Бу иш билан ҳатто юқори мансабдаги кишилар ҳам шуғулланаётганлиги маълум бўлди. «Нью-Йорк таймс» газетаси хабар беришича, Нью-Йорк штатидан сенатор Родригес бошланган жанжалга сабабчи бўлган. У жиноят устида қўлга тушган бир группа наркот сотувчилардан, уларни қўйиб юбориш эвазига юз минг доллар пора сўраган.

АЕЛЛАР ҲУКМРОН БЎЛГАН КУН

Ҳар йили Грециянинг Моноклисиа қишлоғида традицияга кўра 8 январда ҳукмронлик аеллар қўлига ўтади.

Бу куни улар эркакларга хос иш тутадилар. Мол сўйиб турли таомлар тўла дастурхон устида майхўрлик қиладилар. Бу пайтда эса, эркаклар уларга овқат тайёрлашади, уйни йиғиштиришади, кир ювишади, болаларни овутишади.

ТУҒИЗНИНГ... АВТОБУС БИЛАН ОЛИШУВИ

Бу воқеа 13 январда рўй берди, деб хабар беради ТАСС мухбири. Львовдан Кременецга автобус борарди. Бирдан ўрмондан йўлга ёввойи тўғриз югуриб чиқди. Шофер Николай Оболанчик сигнал берса ҳам, ҳайвон қўрқмади. Тўғриз ҳурпайиб машинага отилди.

Автобус билан олишув албатта, ўрмон жониворининг ҳалокати билан тугади. Николай эса рейсдан осмондан тушгандек ўлжа олиб қайтди. Тўғриз танаси 100 килограмм келди.

ШУҲ ИШҚИБОЗ

Аргентиналик бир шуҳ ишқибоз отдан тушмай туриб футбол ўйинини томоша қилди ва судьянинг қарорига рози бўлмади. Узоқ ўйлаб ўтирмай майдонга от чоптириб тушди ва судья устига чакмон ташлаб уни отга даст ўнгарди-да олиб қочди. Кейин у аспр тушган судьяни отини тозалашга мажбур қилди. Кўп ўтмай ишқибоз қўлга тушди. У бу қилмиши учун футбол судьясининг автомашинаси бир ой мобайнида ювиб беришга ҳукм қилинди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

17 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшитгиришлар программаси**, 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.15 — **Уйин** (болалар учун фильм), 18.25 — **Ильич орзуси ушалмоқда** (капитал қурилишига эътибор берайлик), — 18.45 — **Бахт куни** (бадиий фильм).

20.20 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.25 — **Телевизион янгиликлар**, 20.40 — Шеърият мухлисларига. Ю. Шомансуров. **Илк севги**, 21.00 — **Фан оламида** (илмий-оммабоп программа), 21.20 — **Музика ва ҳаёт**, 22.00 — **Йўлдаги жанг** (бадиий фильм, 2-серия).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эртаги кун программаси**, 18.00 — **Сўз пионервожатийларга**, 18.30 — **Қўш тўғри чизиқ** (сиртдан ўқиётган студентлар учун чизма геометриядан ўқув программа).

19.50 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 17/I да **Марварид изловчилар**, 18/I да **Борис Годунов.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/I да **Қутлуғ қон**, 18/I да **Оқ кабутар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/I да **Ватан ишқи.**

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1967 йил 26 январь кундуз соат 2 да. В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг химия фанлари бўйича илмий даражалар бериш бирлашган илмий совети мажлисида (Виставка кўчаси, студентлар шаҳарчаси, химия факультети) химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Г. П. Горькова «Пахикарпин, паперин ва бошқа алкалоидларни химиявий анализда қўлланиши» деган темада.

Диссертация билан кутубхонада танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

1967 йил 27 январь кундуз соат 3 да Тошкент халқ хўжалиги институтининг бирлашган илмий советида (Олмазор кўчаси, 183-уй) иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Г. А. Ландес «Комплекс механизация ёрдамида пахта ишлаб чиқариш технологиясини иқтисодий асослаш» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

1967 йил 10 февраль кундуз соат 2 да. Ўзбекистон ССР фанлар Академиясининг тарих ва археология илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, конференц-зали) тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

А. Р. Отажонов «Туркистон АССР да ишчи ва деҳқонлар назариясини ташкил топиши ва фаолияти» (1920—1924 йиллар) деган темада.

К. Тўйчиев «Ўрта Осиё республикаларида иқтисодий ва маданий ҳамкорликларнинг ривожланиши» (1958—1965 йиллар) деган темада.

Диссертациялар билан Ўзбекистон ССР фанлар Академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ИУЛ-ЭКСПЛУАТАЦИЯ ТРЕСТИГА

йўл инженерлари ва техниклари, иқтисодчи, кассир

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Қурилиш кўчаси, 42-уй.

«УЗХЛАДТОРГМОНТАЖ»-НИНГ **ТОШКЕНТДАГИ РЕМОНТ-МОНТАЖ УЧАСТКАСИГА**

Тошкентда ва областларда йирик аммиаклик музоҳоналарни монтаж қилиш учун **монтажчи-слесарлар, газ ва электр пайвандчилари, электрчиклар, юкчилар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри. Грампластинка кўчаси, 40-уй, телефонлар Е-6-21-31, Е-6-03-65.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 06020
ИНДЕКС 64970.
А. — 1779.